



Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200, Янгибозор шаҳарчаси тел.(0-362) 41-94-141, факс (0-362) 41-94-255
O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200 Yangibozor shaharchasi tel. (0-362)41-94-141, faks (0-362) 41-94-255

“28” июл 2020 й.

№ 1282

Янгибозор шаҳарчаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли қарорига асосан, “Мокс Санжар” фермер хўжалигига Янгибозор тумани Бошқирших қишлоғи “Жайхун” маҳалласи ҳудудидан “Дала шийпон” биноси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Янгибозор тумани Бошқирших қишлоғида фаолият кўрсатиб келаётган “Мокс Санжар” фермер хўжалиги раҳбари Қурбанбаев Санжарнинг туман ҳокими номига, Янгибозор тумани Бошқирших қишлоғи “Жайхун” маҳалласи ҳудудидан “Дала шийпон” биноси қурилиши учун ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган ёзишмасини, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хулосаси, Вилоят давлат экологик экспертизаси маркази давлат унитар корхонасининг, туман Фавқулодда вазиятлар бўлимининг, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг, Янгибозор тумани СЭОМнинг хулосаларини ҳамда туман ҳокимлигида қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг далолатномаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,10,25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Янгибозор тумани Бошқирших қишлоғида фаолият кўрсатиб келаётган “Мокс Санжар” фермер хўжалиги раҳбари Қурбанбаев Санжарнинг аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли қарори, туман ҳокимлиги билан 05.07.2020 йилдаги 01-сонли келишув шартномаси туман ҳокимлигида қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг далолатномаси ва бошқа тўпланган ҳужжатлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Мокс Санжар” фермер хўжалигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли қарорига асосан, “Жайхун” маҳалласи ҳудудида тасдиқланган намунавий лойиҳа асосида маҳалланинг маъмурий биносини қуриб бериш эвазига, “Жайхун” маҳалласи ҳудудидан “Дўкон” бинолари қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан 400,0 кв.м ер майдони ажратилсин.

3. Буюртмачи Қурбанбаев Санжарга:

- Архитектура-режалаштириш топширигини ишлатиш учун мурожаат этиш;

- Тегишли тартибда қурилиш лойиха-смета ҳужжатларини ишлатиш ва тасдиқлатиш;
- Ер участкасига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсларга бегоналаштирмаслик, ер участкасида қурилиб фойдаланишга қабул қилинган объект фаолият турини ўзгартирмаслик;
- “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонини 2 (икки) йил муддат ичида ўзлаштирилмаса ушбу қарор бекор қилиниши қайд қилинсин.

4. Туман қурилиш бўлимига ушбу қарорга асосан, белгиланган тартибда ажратилган ер майдонини бош лойиха асосида жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш ҳамда қурилишини шаҳарсозлик норма қоидалари асосида назорат қилиш топширилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига ушбу ажратилган ер майдонини ҳисобга олиш ва ер кадастр китобига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда туман солиқ инспекциясига белгиланган тартибда солиққа тортиш вазифалари топширилсин.

6. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари в.в.б Н.Мадаминов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



Ў. Курбанов